Ушбу сонда:
2 ПАХТАКОР ҲАҚИ НАҚД
3 ҲУҚУҚИЙ МАСЛАҲАТХОНА
4 ШАНБА — ДАМ ОЛИШ САҲИФАСИ

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ — ОЛИЙ БАХТ

ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2002 йил 5 октябр, шанба № 158 (1375)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

АҲОЛИ ЗИЧ ЯШАЙДИГАН ҲУДУДДА

Чуст тумани Наманган вилоятида аҳоли зич яшайдиган ҳудудлардан бири. Бу ерда 200 минг нафардан ортиқ аҳоли истиқомат қилади. Туманда бўш иш ўринлари ярмаркаларини ўтказиш ижтимоий аҳамиятга эга тадбирга айланди.

Навбатдаги ярмаркада иш берувчи 29 та корхона иштирок этди. Улар 181 та иш ўрнини таклиф қилди. Ярмарка натижаларига кўра 100 га яқин киши иш билан таъминланди, уларнинг аксариятини хотин-қизлар ва ёшлар ташкил этади. Бир неча киши қайта ихтисослаштириш курсларига йўлланма олди.

(ЎзА).





«Жейнов» пахта тозалаш ҳиссадорлик жамияти Усмон Юсупов туманида йирик корхоналардан бири ҳисобланади. Бу ерда 800 нафарга яқин ишчи ва хизматчи самарали меҳнат қилмоқда. Улар бу йилги мавсумга пухта тайёргарлик кўрдилар. Бунинг натижасида 34 минг тонна пахтани қайта ишлаш имкони туғилди. Бунда қисқа технология асосида иш олиб борилаётгани қўл келмоқда. Чунки бу усулда биринчидан маҳсулот сифати яхшиланади, иккинчидан электр қуввати ва ишчи кучи тежалади.

Айни кунларда ишчилар янги ҳосилни қабул қилиб олиб, қайта ишлашни бошлаб юборишди. Уларнинг маданий ҳордиқ чиқаришлари учун корхонада барча шарт-шароитлар яратилган.

Суратларда: корхона иш фаолиятидан лавҳалар.

Ш.СУЛТОНОВ олган суратлар.

ҚУВАЙТ ПАРЛАМЕНТИ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ ТАШРИФИ

Аҳмад Абдулло ар-Рабе раҳбарлигидаги Қувайт парламенти делегациясининг мамлакатимизга ташрифи давом этмоқда. Меҳмонлар Ўзбекистон Олий Мажлиси раисининг ўринбосари Борис Бугров билан учрашди. Суҳбат чоғида икки мамлакатнинг парламентлараро ҳамкорлигини янада кенгайтириш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Қувайтлик меҳмонлар Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазири Элёр Ғаниев билан учрашувда ўзаро савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш, келгусида белгиланган лойиҳа ва дастурларни амалга ошириш истиқболлари ҳақида фикр алмашди. Ўзбекистон билан Қувайт ўртасидаги ҳамкорлик кўламини кенгайтириш учун мавжуд имкониятлардан самаралироқ фойдаланиш зарурлиги қайд этилди.

Қувайт парламенти делегациясининг Ўзбекистон Молия вазири Мамаризо Нурмуродов билан мулоқотида икки мамлакатнинг молиявий соҳадаги ҳамкорлигини кенгайтириш ҳақида гап борди.

Меҳмонлар В.Чкалов номидаги Тошкент Авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси давлат акционерлик жамиятида бўлиб, корхона фаолияти билан танишди.

(ЎзА).

ҲУНАРМАНД МАҲАЛЛА бундай гўшада бекорчи бўлмайди

Юртбошимиз ўзини-ўзи бошқариш жамоалари — маҳалла институтлари фаолиятини юксак баҳолаб, уларни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш масаласини доимий эътиборда туришини таъкидладилар. «Оқёр» маҳалла фуқаролар йиғинида ҳам бу борада хайрли ишлар амалга оширилмоқда.

Ҳудудимизда 8 та маҳалла бор. Ҳар бир гузарда ҳаёт қайнайди. 39 та маиший хизмат шоҳобчаси аҳоли хизматида. 7 та новвойхона, 8 та умумий овқатланиш тармоғи, 10 та тикув-бичув цехи аҳолига намунали хизмат кўрсатмоқда. Оқёрликлар ҳунарманд халқ. Ҳар бир хонадон ўз касб-кори билан танилган. Зардўз Муҳайёхон қўлидан чиққан зардўзи кийимбошлар, сўзаналарнинг бозори чаққон. Яккатоллик Носиржон Тоҳиров ҳам ҳақиқий ишбилармонлардан. У ташландиқ маконда ҳовуз қазиб, балиқчиликка ихтисослашган ёрдамчи хўжаликни йўлга қўйди. Эндиликда улар етиштирган маҳсулотлардан аҳоли баҳраманд бўлмоқда. Тадбиркор айни кунда парҳез таомлар ошхонаси очиш ниятида.

Абдуманноп Мамасолиев хонадонида тери маҳсулотларини қайта ишловчи кўнчилик цехи очиб, халққа хизмат қилмоқда. Тадбиркорга ҳатто корхоналар ҳам буюртма беряпти.

Ижтимоий бандлик дастурига асосан касаначиликни ривожлантиришга ҳам эътибор қаратаяпмиз. Бу эса ишсизликнинг олдини олиш, янги иш ўринлари яратишда қўл келяпти. Энг муҳими, кичик ва ўрта бизнес равнақига ҳам йўл очилаяпти. Тадбиркорларнинг ишбилармонлиги билан 120 та қўшимча ишчи ўринлари ташкил этилди.

Оқёрликлар гўзалликка ташна, айниқса улар гулларни севиб парвариш қилишади. Маҳаллалар бўйлаб юрсангиз кўча ва йўл бўйларидаги гулзорларни томоша қилиб кўзингиз қувнайди, дилингиз яйрайди. «Андижонни гуллар шаҳрига айлантирайлик» кўрик-танловида барча маҳаллалар фаол иштирок этиб, катта ҳажмда ободончилик ишлари олиб борилди. Ҳашар йўли билан 25 та янги кўча, 5 та гузар қурилди.

Бу савобли ишда тадбиркорлар, мулкдорларнинг ҳиссаси айниқса катта бўлди. Тадбиркор Ҳотамжон Мирзаҳўжаев ўз маблағи ҳисобига қўш қаватли маиший хизмат уйини қуриб, ҳамқишлоқларига тортиқ қилди. Қувончли томони шундаки, бу ерда 10 нафар маҳалла ёшлари янги иш ўринларига эга бўлишди. Эргаш ҳожи ҳомийлигида очилган гузарда эса савдо-сотиқ авжида.

Кенгашли тўй тарқамас, дейдилар. Фуқаролар йиғинимизни 9 нафар кишидан иборат маслаҳат кенгаши бошқармоқда. Ободончилик, ёшлар билан ишлаш, ҳуқуқ-тартибот, тадбиркорликни ривожлантириш, жамоатчилик ва диний маросимларни ўтказиш комиссиялари шулар жумласидандир.

Огоҳлик, «Ўз уйингни ўзинг асра» шиори тинчлигимиз, осойишталигимиз кафолатидир. Ҳаётий тажрибаси кам, эътиқоди суст айрим ёшларнинг табиатимизга ёт диний ақидапарастлик, экстремизм таъсиридан сақлашга зийраклик билан ёндошаяпмиз. Маҳалла педагоглари лавозимини ташкил қилиниши айни муддао бўлди. «Ватан — саждагоҳимиз», «Қариси бор уйнинг париси бор», «Аҳил оилалар танлови», «Терроризм — аср иллати», «Ҳуқуқингизни биласизми?», «Диний бағрикенглик нима?» мавзуида кечалар уюштириб, уларга тарбиячилар, прокуратура ва ички ишлар ходимлари ва фахрийларнинг ёшлар билан учрашувлари, давра суҳбатларини ташкил этаяпмиз.

Оқёрликлар солиқ тўловлари ва йиғимларни ундирилишида ҳам яхши ўринларда туради. Фуқароларнинг уй-жойдан фойдаланиш, коммунал хизматлар, мулк солиғини тўланиши йиғин назоратида. Жорий йилнинг ярим йилида ана шу тўловлар учун аҳолидан 3 миллиондан зиёд маблағ йиғилиб бюджетга тушум қилинди. Унинг бир қисми маҳаллалар ҳисоб-рақамига ўтказилди.

«Маҳалланг — ота-онанг», «Маҳалланг — суянган тоғинг» деб бежиз айтмайдилар.

И.ҚЎШОҚОВ, Андижон тумани Оқёр маҳалла фуқаролар йиғини раиси.

МАМЛАКАТИМИЗ МЕҲМОНЛАРИ

Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Япония ердан фойдаланиш, инфратузилма ва транспорт вазирининг ўринбосари С.Ивамура раҳбарлигидаги делегация аъзолари 4 октябр куни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, қишлоқ ва сув хўжалиги вазири Н.Юсупов билан учрашди. Музокарада Ўзбекистон билан Япония ўртасидаги ҳамкорлик барча соҳаларда, жумладан, қишлоқ хўжалиги ва транспорт соҳасида ҳам изчил ривожланиб бораётгани таъкидланди. Учрашувда бундай ҳамкорлик алоқаларини янада кенгайтириш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Шу куни делегация аъзолари «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси ҳамда «Ўзбектуризм» Миллий компанияси раҳбарияти билан ҳам учрашди. Музокараларда ўзаро ҳамкорликнинг истиқболи билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

(ЎзА).

Касаба уюшмаларидан хатлар

(2) ҚАЙТА ИШГА ТИКЛАШ учун асос йўқ

Корхона жамоа шартномасида ишчиларнинг малакасини ошириш мақсадида ўқувлар ташкил қилиш, унумли меҳнатга яраша баракали маош билан ижтимоий ҳимояни кучайтириш кўзда тутилган.

Одинажон билан Дониёрга икки марта омад кулиб боқди. Биринчиси, уларнинг «ЎзДЭУ авто» қўшма корхонасига танлов асосида ишга қабул қилиниши бўлса, иккинчиси — маъмурият тавсияси билан Жанубий Кореяга малака оширишга юборилиши эди.

Йигитлар апрел ойида Чан Вон шаҳрига етиб келдилар. Қўшма корхонага қарашли заводдаги пайвандлаш ва йиғув цехида иш бошлашди. Ораста ётоқхона, уч маҳал овқат, мўмайгина маош ҳар кимга ҳам насиб қилавермайди.

Бу имтиёзлар ҳақида ҳамшаҳарлар ўйлаб ҳам кўрмайдилар. Кўнгил кўчасига кириб, ўзбошимчалик билан шаҳар айлангани чиқадилар. Сайру саёҳат «қиттак-қиттак»сиз ўтмайди. Ресторанга кириб улфатчилик қиладилар. Буниси ҳали ҳолва. Кайф устида ўзгаларга тегишли велосипедларни миниб қочадилар. Фалокат доим оёқ остида бўлади. Одинажон катта кўчада ҳаракатланаётган енгил машинага урилади ва уловга шикаст етказилади.

«Саёқ юрган — таёқ ейди» деганлари бежиз эмас. Шу куниёқ ётоқхонада назорат ҳайъатининг қўшма йиғилиши чақирилади. Унда Одинажон Саидорипов, Дониёр Жалиловларнинг ножўя хатти-ҳаракатлари муҳокамадан ўтказилади. Йиғилиш уларнинг меҳнат шартномаси мажбуриятларини бузганликда айблаб, ҳар иккисини малака оширувчилар рўйхатидан ўчиришга қарор қилади.

Касаба уюшма қўмитаси ҳам шартнома муносабатларининг бузилишига бефарқ қарамади. Касабақўмнинг қарори билан О.Саидорипов, Д.Жалиловларни ахлоқ-одобга зид қилмишлари учун иш берувчининг уларни ишдан озод қилишига доир тавсиясига розилик билдирди. Маъмурият Меҳнат Кодексининг 100-моддаси 4-бандини бажарилишида муросасиз йўл тутди. Меҳнат вазифасини бир марта қўпол равишда бузганликлари учун томонлар ўртасидаги меҳнат шартномаси бекор қилинди. Ҳа, қилмишқидирмиш ана шундай якун топди.

Корхонаси юзини ерга қаратган Дониёр, хаталарини ўз қаричи билан ўлчади. Адолатли фармойишдан норози бўлиб, вилоят касаба уюшмалари Кенгашига шикоят хати йўллади. Кенгашда ўрнатилган тартибга кўра, фуқаролар сўровлари ҳеч қачон оқибатсиз қолдирилмайди.

Ижтимоий ҳимоя қонун устуворлиги билан кучлидир. Гуруҳ интизомий жазо белгилашда амалдаги қонун ва меъёрий ҳужжатлар талаблари бузилмаган, Д.Жалилов ва О.Саидориповларни қайта ишга тиклаш учун асос йўқ деган адолатли хулосага келди. Қўшимчада шикоят муаллифи, Конституциявий ҳақ-ҳуқуқларидан фойдаланиб, Меҳнат Кодексининг 260-моддасига кўра, жавобдан қониқмаган тақдирда, ҳимояни фуқаролик суди орқали давом эттириши мумкинлиги айтилди.

Собиржон РЎЗИМАТОВ, «Ишонч» мухбири.

Ислоҳот йўлидаги ғов

ЧАЛА ИШ КЕЛТИРДИ ТАШВИШ

Қўшқўпир туманидаги қатор жамоа хўжаликларининг чорвачилик фермалари кимошди савдосига қўйилиши маълум қилинди. Шунда «Тошкент» хўжалигининг ўша даврдаги ферма мудири Юсуфбой Полвонов ҳам мулкдор бўлиш, кўп йиллик бой тажрибасига таяниб, мустақил иш юритишни орзу қилиб, танловда қатнашиш учун ариза берди.

Қоидага кўра собиқ раис Эгамбой Ёвбосаров бошчилигида фаоллар йиғилиши ўтказилиб, комиссия таркиби тузилди. Мазкур комиссия ферманинг умумий қийматини 3 миллион 150 минг сўм қилиб белгилади. Кимошди савдосида бир киши қатнашаётганлиги боис ушбу нарх яна икки фоизга оширилди. Омади юришганидан қувонган Ю.Полвонов мулк эгаси сифатида «Довуд» хусусий ишлаб чиқариш фирмасини ташкил этди. Дастлабки кезлар иш анча юришди. Мулкдор бола-чақасини ёнига олиб, қаттиқ меҳнат қилди. Ота-бобосига насиб этмаган бахтга эришганлиги — мулк эгаси бўлганлигидан энтикарди. Бироқ кутилмаганда ҳаммаси қайтадан бошланди. Яъни 1997 йил 20 июл куни хўжалик вакиллари қайта йиғилиш ўтказдилар. Йиғилиш қарорига кўра «Довуд» фирмаси ихтиёридаги мол-мулк тўлиқ хўжалик ҳисобига ўтказилди.

Шу ўринда баъзи масалаларга ойдинлик киритиш жоиз. 1999 йилнинг июн ойигача мулкидан ажралган Ю.Полвонов эзилиб, кимлар биландир талашиб-тортишиб хуноб бўлиб юрди. Мутасаддилар масалага адолатли тарзда ёндошишларига умид қилди. Натижа чиқмагач, Хоразм вилоят адлия бошқармасига мурожаат қилди. Шундан сўнг унинг даъво аризаси Қўшқўпир туман судида кўриб чиқиладиган бўлди.

2000 йил октябрда бўлиб ўтган туман суди қарорига кўра даъво аризасини тўла қаноатлантириш ҳамда 2.259.924 сўмлик чорва фермаси ҳамда 200 минг сўмлик маънавий зарар «Довуд» хусусий ишлаб чиқариш фирмаси фойдасига ундириб бериш кўрсатиб ўтилди. Шунингдек, «Тошкент» ширкат хўжалигидан 471.984 сўмлик давлат божи ундириш ҳақида ҳам суд қарори қабул қилинди. Эътибор қилайлик, Қўшқўпир туман судининг ҳал қилувчи қарорини фуқаролик ишлари бўйича вилоят суди судлов ҳайъати ҳам ўзгартиришсиз қолдирди.

Ҳамма енгил тин олди. Ниҳоят неча йилдан буён чўзилиб келаётган тортишувларга барҳам берилгандай эди. Йўқ, ҳаммаси яна янгитдан бошланди. Орадан етти ой ўтгач, бу иш қайта кўрилиши маълум қилинди. Энди туман судининг фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг ажрими устидан вилоят фуқаролик ишлари суди раиси томонидан назорат тартибида киритилган протест кўриб чиқиладиган бўлди. Хўжаликда кимошди савдосини ўтказиш жараёнида, аниқроғи биринчи босқич Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг айрим моддаларида кўзда тутилган ҳолатлар четлаб ўтилгани қайд этилиб, можароли иш қайта кўриш учун Боғот туманлараро фуқаролик ишлари бўйича судига оширилди.

Қаерда адолат мезони бузилса, муҳим ишга қонунларга таянилган ҳолда киришилмаса, сансалорлик юзага келади. Худди шунинг учун қарийб бир йил 65 чақиримлик йўлни босиб, саломатлигини кетказиб, асаблари таранглашган хўжаликнинг собиқ раҳбари ва собиқ мулкдор Ю.Полвоновларнинг аҳволини тушуниш мумкин эди. Ниҳоят Боғот туманлараро фуқаролик ишлари бўйича судьяси У.Собиров мақтуб орқали ҳал қилувчи қарорни йўллади. Унда шундай жумлалар бор: «Даъвогар Хоразм вилоят адлия бошқармасининг жавобгари Қўшқўпир туманидаги «Тошкент» ширкат хўжалигига нисбатан асоссиз олинган чорвачилик фермасини «Довуд» хусусий ишлаб чиқариш фирмасига қайтариб бериш ва 200 минг сўм маънавий зарарни ундириш ҳақидаги талаб рад қилинди. Хўжаликнинг 1995 йил 31 августдаги фермани сотиш ҳақидаги ўтказилган кимошди савдоси ҳақиқий эмас, деб топилсин...».

Ўйланиб қоласан киши. Ю.Полвоновнинг икки йилдан сўнг судга ариза ёзишидан мақсад-муддао не эди. Ваҳоланки, у фаолият юритган даврда чорва бош пулга олиб турганлигини айтди.

Туман агросаноат мажмуида эса шундай далолатнома билан танишишга тўғри келди: ҳужжат 1996 йил 15 февралда тузилган бўлиб, унда «Довуд» фирмасига берилган экин майдонлари ўлчаб чиқилганда 111 гектардан иборат эканлиги тасдиқланиб, имзо чекилган. Унга Ю.Полвонов ҳам қўл қўйган. Тўғри, хўжалик чорвачилик фермасини ўша пайтда жами 330 бош қорамол билан қайтариб олган бўлса, ҳозирги кунда нақд 300 бошга камайиб кетган. Соғин сигирлар эса атиги 23 бошни ташкил этади. Хўжалик собиқ раиси буни 2001 йилда ишчиларга иш ҳақи қилиб берилган, дея изоҳлайди. Хўш, шу ўринда ҳужжатларга ишониш керакми ёки раис изоҳига?

Хўжалик аъзоларини ҳақли равишда қуйидаги савол ўйлантирмоқда: фермани хусусийлаштириш билан боғлиқ машмашага қачон чек қўйилади? Ўша пайтда бу муҳим ишга киришиш олдидан қонуншунослар, мутахассислар билан маслаҳатлашилганда эди, кимларнингдир судма-суд юришига ҳожат қолмасди. Ҳа, қонунни билмаслик ўзи унга риоя этмаслик ҳамиша панд беради. Барчанинг меъдасига теккан бу муаммони охирроқибатда мутасадди ташкилотлар ҳал этишлари керак.

Болтабой ЭРНАФАСОВ, «Ишонч» мухбири.

Моддий манфаатдорлик — фаровонлик манбаи

ПАХТАКОР ҲАҚИ НАКД

420 минг тонналик Қашқадарё хирмони учун кураш ҳал қилувчи паллага кирди. Вилоят далаларида 230 мингга яқин киши йиғим-теримда иштирок этмоқда. Ҳар куни 13 минг тоннадан зиёд пахта тайёрланяпти.

Теримчилар тўғрисида ғамхўрлик кучайтирилганлиги, моддий манфаатдорлик ошганлиги туфайли кунлик суръат тобора ортиб бормоқда. Йиғим-терим ишлари воҳанинг Китоб, Шаҳрисабз, Яккабоғ, Қарши, Косон туманларида уюшқоқлик билан олиб борилаяпти. Энг муҳими, терилган пахта учун ҳақ даланинг ўзида тўланмоқда.

Нишон туманидаги «Нишон» қоракўлчилик-наслчилик қишлоқ хўжалик ширкати бош ҳисобчиси Рамз Юсупов, касаба уюшма қўмитаси раиси Эгамберди Нуралиев ва хазиначи Дўстмурод Ҳайитовларни Зайниддин Ҳусаинов бошлиқ оила пудрати пайкалларида учратдик. Банкдан тўғри далага келган хазиначи Орзигул Ҳамроева, Ҳилола Ҳамдамова, Клара Ҳолиқова, Малика Ғойибова каби илғор теримчиларга маош тарқатар экан, улар юзидаги табассумдан моддий манфаатдорлик анча юқори бўлганлигини билиб олиш қийин эмас эди. Уларнинг ҳар бири беш кунликда 10-12 минг сўмдан иш ҳақи олишди.

— Қабул пунктларига 400 тоннадан зиёд пахта топшириб, шартнома режасини вилоятда биринчи бўлиб бажардик, — дейди хўжалик бошқаруви кенгаши раиси Зиёқул Зиёдуллаев. — Жорий йилда пахтачиликдан 117 миллион сўм даромад келиши кутиляпти. Шундан 19 миллион сўмини соф фойда ташкил этади.

Йиғим-терим иштирокчиларини моддий ва маънавий рағбатлантириш тадбирлари илгари ишлаб чиқилган эди. Теримчиларга 24 миллион сўм маблағ тарқатилади. Ҳосилдорликни гектар бошига 40 центнерга етказган оила пудрати рангли телевизор, 35 центнердан ҳосил олган жамоа магнитафон билан тақдирланади. Ҳозирги пайтда З.Ҳусаинов, Н.Зиётов, Ж.Муқимов бошлиқ пудратчилар совринли ўринларга талабгор бўлиб туришибди.

Акционерлик тижорат «Пахтабанк»и вилоят бошқармаси бошлиғи Саид Тошниёзовнинг маълум қилишича, «Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ҳисоб-китоб қилиш жамғармаси» томонидан қишлоқ хўжалик корхоналарига «Пахтасаноат» бирлашмаси орқали 2002 йилги пахта ҳосилини етиштириш учун 23 миллиард сўмдан ортиқ бўнак маблағлари ажратилди.

«Пахтабанк»нинг Косон туман бўлими ҳисобидаги «Шарқ», «Ҳамкор», «Олтин тола» каби минибанклари орқали иш ҳақи бевосита даланинг ўзига етказиб бериляпти. Бундай минибанклар воҳанинг ҳамма туманларида ишлаб турибди.

Усмон Юсупов туманидаги Ғафур Ғулом, Нишондаги «Ширинобод» ва Қарши туманидаги Темир Мирзаев номли ширкат хўжаликлари. Нишондан «Хўжаёр ота», Косондан «Янги ҳаёт», Қаршидан «Хонобод», Усмон Юсупов туманидан «Ҳусан Хўжақулов» каби фермер хўжаликлари, Жейновдан Ражаббой Сафаров, Баҳористондан Аҳмад Холов, Ғузордан Номоз Самадов, Яккабоғдан Ўрол Юсупов сингари оилавий пудратчилар ҳар гектар майдондан 30-35 центнердан хирмон кўтариб, дастлабки шартнома режаларини ошириб уддаладилар.

Воҳанинг қайси бир туманида бўлманг, теримчилар ўз меҳнати самарасидан мамнунлигини кўриб қувонасиз. Бунинг боиси бор, албатта. Айтганимиздек, терим ҳақи пайкал бошида тарқатиляпти. Дала шийпонлари эса ҳордиқ маконига айлантирилган. Пахтакорларга савдо, маданий-маиший ва тиббий хизмат кўрсатиш яхши йўлга қўйилган. Бошланғич касаба уюшма ташкилотлари раислари далада ишлаётганлар билан ҳамкор-ҳамнафас бўлмоқдалар.

И.ИСОМУДДИНОВ.



«Оҳангаронцемент» очиқ ҳиссадорлик жамияти республикамизда энг йирик корхоналар сирасига киради. У мамлакатимизнинг деярли барча қурилиш иншоотларига сифатли цемент етказиб беради. Корхона турли ҳилдаги материаллар, ўтга кераклі шамот ғиштлари ишлаб чиқармоқда.

Бу ерда барча шарт-шароитлар яратилган бўлиб, жамиятга қарашли профилакторий ишчилар хизматида.

Корхона таркибида маҳсулот тайёрлаш учун зарур бўлган асосий ва ёрдамчи ишлаб чиқариш бўлимлари ҳамда инженерлик коммуникациялари мавжуд.

Суратларда:корхона ҳаётидан лавҳалар.
М.АМИН (ЎзА) олган суратлар.

«ВЕСТЕРН ЮНИОН» ҲАМКОРЛИКНИ КЕНГАЙТИРМОҚДА

Тошкентдаги «Пойтахт» меҳмонхонасида Бизнес-банк «Вестерн Юнион» халқаро пул ўтказиш тизимининг Ўзбекистон Республикасидаги ягона бевосита агентига айлангани муносабати билан матбуот анжумани бўлиб ўтди.

- Шу вақтгача бизнинг банкимиз «Вестерн Юнион»нинг Москвадаги бўлими субагенти эди,- дея таъкидлади Бизнес-банк бошқаруви раиси М.Абдусамадов. - Эндиликда тизим ишига оид кўпгина масалаларни бевосита мамлакатимизда ҳал этиш мумкин бўлади.

Янги мақом бошқа банкларни тизим билан ҳамкорликка жалб этиш, Ўзбекистон аҳолиси ҳамда меҳмонлари сифатли ва ўз вақтида пул ўтказиш хизматларидан фойдалана оладиган шоҳобчалар сонини кўпайтириш имконини беради.

Ҳозир мамлакатимизда 37 та «Вестерн Юнион» шоҳобчаси фаолият кўрсатмоқда. Бу тизим орқали хорижга тижорат мақсадида пул ўтказиб бўлмайди. У соф ижтимоий хусусиятга эга. Асосан, пул ўтказишлар моддий ёрдам кўрсатиш учун мўлжалланган.

Жорий йилнинг саккиз ойида Бизнес-банк бу тизим орқали 50 минг нафардан ортиқ мижозга хизмат кўрсатди.

(ЎзА).

Ибрат

ХЎЖАЛИК КОЛЛЕЖ ҚУРМОҚЧИ

Ургут туманидаги Шароф Рашидов номли хўжалик бундан атига уч йил илгари қолоқ жамоалардан бири эди. Кадрлар қўнимсизлиги ва иш ҳақидаги узилишлар ҳамда ижтимоий муҳофаза соҳасидаги депсинишлар ишлаб чиқаришни орқага тортди.

Аммо эндиликда бу ердаги аҳвол бошқача. Мавжуд ўндан ортиқ қишлоқларнинг деярли барчаси ичимлик суви ва табиий газ билан таъминланган. Ижтимоий ҳимояга муҳтож, қарамоғида ҳеч кими йўқ кишилар оталиқ ташкилотлари ва ҳомийлар саховатидан баҳраманд.

Қарзга ботган жамоа ўтган йилги мавсумда 680 миллион сўм даромад кўрди. Ишчиларга меҳнат ҳақидан ташқари 4 миллион сўм дивидент ҳам берилди. Эндиликда ана шу хўжалик коллеж қурмоқчи...

Изланса имкон топилади, дегани бежиз эмас экан. Хўжалик ширкат усулига ўтиб иш бошлагач, меҳнат тақсимоти ва тизилмаси ҳам янгича тус олди. Аввало ички меҳнат интизоми ва жамоа шартномаси қайтадан кўриб чиқилди ва унинг асосий бандлари меҳнаткаш ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя этиш ва ишлаб чиқаришни шакллантиришга йўналтирилди.

Ширкат ишлаб чиқаришини жадаллаштириш қаторида, асосий эътибор кам таъминланган оилаларни ижтимоий муҳофаза қилишга, янги ишчи ўринлари яратишга ва тасарруфдаги ўқув муассасалари ҳамда болалар боғчаларини озиқ-овқат маҳсулотлари билан моддий қўллаб-қувватлашга қаратилди.

Шу билан биргаликда ишчиларни моддий рағбатлантириш масалалари ҳам доимо диққат-эътиборда турди. Касаба уюшмаси ва ширкат бошқаруви раиси ташаббуси билан жорий йилда 25 нафар киши республикамиздаги турли сиҳатгоҳларда имтиёзли йўлланмалар билан дам олиб, соғлиқларини тиклаб қайтишди. Ёки 80 нафар меҳнат фахрийси ва нафақахўрлар ширкат ҳисобидан Хива, Ал-Бухорий, Тошкент, Ат-Термизий каби зиёратгоҳ масканларда бўлишди.

Ижтимоий ҳимоя масалалар қаторида ёшлар фойдали меҳнатга жалб этилди ва уларга етарлича шарт-шароитлар яратилди. Чунончи, иккита тикиш-бичиш, попирчилик, гилам тўқиш цехлари, оҳақ ишлаб чиқариш, машиналарни таъмирлаш ва аҳолига маиший-маданий хизмат кўрсатиш шоҳобчалари бунёд этилиб, айни пайтда 200 нафарга яқин киши иш билан таъминланди.

«Таълим тўғрисида»ги қонун ва Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурни амалга ошириш ширкат аъзоларининг доимо эътиборида. Аълочи ўқувчилар ва илғор талабаларни рағбатлантириш, уларни моддий қўллаб-қувватлаш йўлга қўйилди. Жумладан, икки нафар ўқитувчи, беш нафар ўқувчи ширкат ҳисобидан стипендия билан таъминланди. Тасарруфдаги 10 та мактаб ва 4 та кичкинтойлар маскани жорий ўқув мавсумида ширкат ҳисобидан юз фоиз таъмирланиб, Халқобод қишлоғида 340 ўқувчи ўринга мўлжалланган янги мактаб ва 10 та қўшимча синфхоналари қурилиб, фойдаланишга топширилди. Ҳолбуки, хўжалик ширкатга айлангунга қадар мактаб қуриш тугул, таъмирлаш ишларида ҳам педагоглар кўпгина муаммоларга дуч келишарди.

Ички меҳнат тартиби ва жамоа шартномасида белгиланган ҳолатлар асосида фаолият юритилгач, ишлаб чиқаришнинг ўсишида ва ишчиларнинг меҳнатга бўлган муносабатларида катта ўзгаришлар бўлди. Яъни аввалги йилларга қараганда қишлоқ хўжалигидаги ҳаражатлар 70 фоиздан 35 фоизга камайди, маҳсулот етиштиришдаги таннарх қисқариши боис, рентабеллик 22 фоизга ўсди. Қишлоқ хўжалигида тадбиркорлик ва ишбилармонликнинг қарор топганлиги ҳамда одамларнинг моддий манфаатдорлиги ортганлиги сабабли хомчўтларга қараганда жорий йилда ширкат аъзолари 800 миллион сўм даромад кутаяпти. Бу аҳоли манфаатдорлиги янада ортишидан ташқари, қўшимча иш ўринлари яратиш, ободончиликлар қилиш ва янги иншоотлар қуришга имкон беради.

— Ширкат уюшмамиз қишлоқ хўжалигининг барча тармоғига кенг иқтисослашгани сабабли турли соҳадаги мутахассисларга эҳтиёж сезилмоқда, — дейди бошқарув раиси Шамси Хўжамов. — Шу боис касаба уюшмаси ҳамда ширкат аъзолари ва фаоллари билан маслаҳатлашиб, тасарруфимиздаги 28-ўрта мактаб таркибида қишлоқ хўжалиги мутахассислари етиштиришга мўлжалланган коллеж қурмоқчимиз. Бунинг учун етарли шароит ва маблағимиз бор. Айни пайтда дастлабки ишлар бошлаб юборилди.

Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ,
«Ишонч» мухбири.

Юртимиз омилкорлари

ЕТТИ ХАЗИНАНИНГ БИРИ

етти ўлчаб бир кесишни тақозо этади

Холмамат вилоят ҳокими қабулидан чиққанида вақт алламаҳал бўлиб қолган эди. У кўп қаватли мухташам бино деразасидан пастга қаради. Шаҳар сеҳрли тун билан суҳбатлашаётгандек. Мустақиллик майдонидаги фавворалар бир-биридан завқ олиб, кўкка қарата сув сачратади. Мовий осмон денгизида сузиб юрган тўлин ой тунни кундуздек ёритиб, юлдузлар шўъласи тун файзига янада сайқал бағишлайди.

Сайри томошага чиққан ёшяланглар боқиб Холмамат болалигини эслади. Хўп, шўх бўлган эдида ўзи ҳам. Ич-ичидан ёғилиб келган табассум билан хизмат машинаси турган томонга юрди. Шофёри рулга бағрини бериб мизғирди. Эшик очилишидан чўчиб уйғонди.

— Идорага ҳайда!

Бошлиқнинг хитоби шофёрга оғир ботди.

— Холмамат ака, соат ўн бирдан ошаяпти. Идорада нима бор? Бизам одамга ўхшаб, ўз уйимизда, қатқат кўрпачалар устида, бола-чақани ёнган олиб маза қилиб, ҳордиқ олсак-чи.

Холмамат ялт этиб шофёрига қаради.

— Ишонасизми, раис, кеча қараб болаларимни танимадим. Майли, ҳозир сизни идорага обориб қўяман-у, кетаман. Столингиз устида ишдан кетиш тўғрисида аризам турибди.

Холмамат шофёрининг елкасига қўлини қўйди:

— Майли, чарчаган бўлсанг, дам ол! Лекин ишдан кетишни ҳаёлингга келтирма. Нима, менга осон деб ўйлаяпсанми?..

Анча маҳалгача улар чурқ этмай қолишди. Раисни ҳаёл олиб қочди. Бир вақтлар, аниқроғи 1978 йилда ишга туширилган Термиз «Паррандачилик» фабрикаси вилоятда ягона саноат корхоналаридан ҳисобланарди. Ўша кезларда у фабрикада оддийгина хизматчи бўлиб ишларди. 1988 йили раҳбарликка кўтаришди. 22 йилдирки фабриканинг жилови унинг қўлида.

Лекин вақт нафақат одил ҳакам, синчков муаррих ҳам экан. Бу орада корхона бошига оғир кунлар тушди. Бир томондан ишлаб чиқариш жиҳозлари эскириб, жаҳон андозалари талабларига жавоб бероймай қолган бўлса, иккинчи томондан хом-ашё маҳсулотларидаги узилишлар ўз таъсирини кўрсатди.

Иқтисодий ўнгланишнинг ўзи бўлмайди, албатта. Донишмандларнинг таъбири билан айтганда, одам боласининг бир қўлида сабр, бир қўлида қаноат бўлиши керак. Лекин қачонгача? Инқироз, очиғи, Холмаматни довдиратиб қўйди. Қолаверса, масъулият деганларидек...

Бўшаши тўғрисидаги аризани ўқиб, ҳоким Холмаматга узоқ разм солди.

— Кўзларимга сира ишонмаяпман. Нахотки шу сиз бўлсангиз. Кемани тарк этмоқ истабсиз-да? Сиздек тажрибали одамлар кетса, иродасизлик қилса, биз кимга ишонамиз? Иннайкейин уқиб олинг, дарахт бир жойда кўкаради.

Бугун барча жабҳаларда ўтириб қолган механизмни янгитдан ҳаракатга келтириш учун одамлар жон олиб жон беришмоқда. Асакадаги дунё миқёсига эга бўлган автомобилсозлик, пойтахтимиздаги самолётсозлик, Мурунтовдаги олтин заводи, Навоийдаги кимё заводлари, Қоровулбозордаги йирик газ заводи, жаҳон бозорига чиқувчи магистрал йўл, эҳҳе-е, санаб адоғига етиш қийин, булар осонликча бўлибди дейсизми. Ҳаммаси ўзимизга боғлиқ.

Ҳокимнинг гаплари унинг фикрларига қайта ҳаёт бағишлади. Жамоани тўплаб, оёққа туриш йўллари тўғрисидаги ўз фикр-мулоҳазаларини ўртага ташлади.

Фабрикага четдан серпушт, яхши ғўшт берадиган паррандалар келтирилди. Иш қайта ташкил қилинди. Натижа кўзлагандан зиёда бўлди. Ҳадемай жамоа пешқадамлар шоҳсупасидан жой олди. Ҳозирги кунда фабрикада 157 минг она товуқ, 123 минг жўжа парваришланяпти. Ишлар юришиб кетгач, ўзўзидан 330 нафар ишчи-хизматчиларнинг хонадонига файзи-барака кирди.

Жамоада олти ой мобайнида 13 миллион 100 минг дона тухум этиштирилди. Бир ой бадалида 2 миллион дона тухум олинмоқда. Режага нисбатан ўсиш уч миллиондан ошиб кетди.

— Ютуқлар сири нимада, - деган саволимизга Холмамат ака шундай жавоб қилди.

— Бунинг сири йигирма тўрт соат кўз-қулоқ бўлиб ишлаш-да.

Фабрика бошқарув раисининг таъкидлашига қараганда парранда ҳам чақалоқдек гап. Тинимсиз қаров зарур. Уни бир кунда 9 хилдаги витаминлар, 19 турдаги омухта емлар билан таъминлаш даркор. Жумладан, ем озуқаси, макка дони, соя ва пахта шроти, ғўшт, суяк уни, пахта ёғи, «СОАПСТОК», буғдой, арпа, озуқали оҳак... Бир килограмм емнинг таннархи 99 сўм 83 тийинга боради.

Ўтган хўжалик йилида бир сўм бир сўм 20 тийинни етаклаб келди. Олинган соф фойданинг 151 миллион 150 минг сўми ишлаб чиқаришни ривожлантиришга, 30 миллион сўми ишчи-хизматчиларга дивидентга, 66 миллион 600 минг сўми заҳира фондига, ўн фоиздан ижтимоий ҳимоя, истеъмол ва дивидент фондларига ажратилди. Ўртача ойлик эса 25-30 мингни ташкил қилди.

Қаердаки манфаатдорлик устивор бўлса, ўша ерда ютуққа эришилади. Фабрикада цехлар ва бригадалар ўртасида мусобақа ташкил қилиниб, ҳар ойнинг якуни таҳлил қилиниб борилаётгани ҳам қўл келмоқда. Мусобақа шартларига кўра ғолибларга 50 минг сўм мукофот берилади.

Сахийнинг остонаси ҳамиша обод, — дея бекорга нақл қилишмаган. Тумандаги 25-умумтаълим мактаби паррандабоқарлар оталиғида. Қишлоқ врачлик амбулаториясини гулу-гулзорга айлантиришни ҳам корхона ўз зиммасига олган. Биргина шу йилнинг ўзида мактабни таъмирлаш ишларига 1 миллиондан ортиқ молиявий кўмак берилди.

Ишчиларнинг оғзи қулоғида. Сулаймон Хўжамқулов, Юлья Литвинова, Шарифа Жўраева, Юлдуз Раҳимова сингари фидойиларнинг кучғайрати билан жамоа республика «Паррандасаноат» уюшма корхоналари орасида биринчиликни қўлга киритди.

Холмамат аканинг жуда кўп ишлаш ҳақидаги фалсафаси ҳаёлимиздан ўтади. Натижа ҳам шунга яраша, етти хазинанинг бири бугун улар қўлида.

Фидокорона меҳнат ҳеч қачон зое кетмайди. Истиқлолимизнинг ўн бир йиллиги арафасида Термиз «Паррандачилик фабрикаси» ҳиссадорлик жамияти раиси Холмамат Нормуродов Президентимиз фармонига биноан «Дўстлик» ордени билан мукофотланди.

Тўлқин ЖАЛИЛОВ.
Турсун МАҲМАДАЛИЕВ.

Масала қўндаланг қўйилади

ҚАДРЛАГАН ҚАДР ТОПАДИ

Вазирлар Маҳкамасининг «Иш ҳақи ўз вақтида тўланишига доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори ижросига корхона ва ташкилотлар хўжалик юритувчи субъектлар жавобгардирлар.

Нуробод Самарқанд вилоятининг тоғли ҳудудида жойлашган туманлардан бири. Туман марказий шифохонасида ишлаётган 1213 нафар ходим олис қишлоқларда яшаётган аҳолига хизмат кўрсатади. Бу эса ҳар бир кишидан фидойиликни талаб қилади.

Бироқ соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшма вилоят қўмитаси томонидан ана шу фидойи инсонларга маош тўлашнинг аҳволи ўрганилганда қатор камчиликлар мавжудлиги аниқланди. Иш берувчи ва касаба уюшма ташкилоти ҳамкорликда фаолият кўрсатмаётганлиги туфайли республика Президентининг «Меҳнатга ҳақ тўлашнинг ягона тариф сеткасини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармонига биноан ишлаб чиқилган Низом талаблари кўнгилдагидек бажарилмаяпти. Ваҳоланки, Низомга мувофиқ соғлиқни сақлаш муассасаларининг юқори малакали ходимларига махсус моддий рағбатлантириш фондидан ойлик маошининг 50 фоизигача қўшимча ҳақ тўланиши белгилаб қўйилган бўлиб, маъмурият ва касаба уюшмасининг эътиборсизлиги оқибатида бу қоида амалга ошмай келмоқда.

Тиббий ёрдам сифатини ошириш ва соғлиқни сақлаш муассасалари фаолиятидан аҳолининг қониқиш ҳосил қилиши шифокорларга яратиб берилган меҳнат шароитига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Маъмурият ва касаба уюшма ташкилоти ўртасида ходимларни ижтимоий-иқтисодий ҳимоялаш бўйича икки томонлама шартнома тузилган ва унда ишчи-хизматчиларга ҳар томонлама қулайлик яратиш бўйича бандлар киритилган бўлса-да, марказий шифохона бўлимларида тозалик посбонлари ҳафтасига 40 соат ўрнига 72 соат ишлаётганлиги кишини таажжубга солади..

Шифохона ҳисобхонаси фаолияти ўрганилганда «Моддий рағбатлантириш» жамғармасига етарли даражада маблағ ажратилмаганлиги аниқланди.

Ўзбекистон Республикасининг «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонунининг II моддасида кўрсатилишича, ҳар бир корхона меҳнатни муҳофаза қилиш учун зарур маблағларни жамоа шартномасида белгиланган миқдорда ажратади ва мутахассисларнинг қайта ихтисослашувини таъминлайди. Аммо тиббиёт масканида ходимлар билим ва малакасини ошириш секинлик билан ўсмоқда. Туманда олий тоифали врачлар 3,7, ўрта тиббиёт ходимлари 4,2 фоизни ташкил этади, холос. Шифохона бош врачи З.Кенгбоев ва касаба уюшма қўмитаси раиси Т.Сафаров бу соҳада жиддий ўзгариш қиладиган вақт аллақачон етганлигини сезишмаяпти чоғи.

Белгиланган тартибга мувофиқ, ишчи-хизматчиларнинг иш вақтлари ҳафтасига 36 соат бўлиши керак. Таҳлиллар кўрсатиб турибдики, шифохонанинг айрим бўлимларида бу рақам ўртача 39 соатга тўғри келади. Г.Шукурова, М.Муҳиддинова, Х.Умрзоқова, О.Рўзиқулова сингари орастабонлар 174 соат ўрнига 220 соатдан ишлаб келаяптилар.

Меҳнатни муҳофазалаш, моддий манфаатдорликни кучайтириш, илғорларни вақти-вақти билан рағбатлантириб бориш иш берувчи ва касаба уюшма ташкилотининг асосий вазифасига айлангандагина жамоа шартномалари муваффақиятли бажарилади.

Иззат ҲИКМАТОВ,
«Ишонч» мухбири.

ДЕМОКРАТИК ҲУҚУҚИЙ ДАВЛАТ САРИ

ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР МЕҲНАТИДАН ФОЙДАЛАНИШДА ҚОНУН ТАЛАБЛАРИ

Саволингизга ҳуқуқшунос Карим МУХТОРОВ жавоб беради

САВОЛ: 18 ёшга тўлмаган ёшлар билан меҳнат шартномаси тузиш ҳамда иш ва дам олиш вақти масалалари ҳақида батафсил тушунтириш берсангиз.

14 ёшга кирган ёшларни ишга қабул қилиб бўладими, уларга иш ҳақи тўлаш қандай ва нима асосида амалга оширилади?

С.АБДУЛЛАЕВ,
Фиждувон тумани.

ЖАВОБ: Меҳнат Кодексининг 77-моддасига биноан меҳнатга лаёқатли шахс ўн олти ёшдан, ўн беш ёшга тўлган шахслар эса ота-онасидан бирининг ёки улар ўрнини босувчи шахснинг ёзма равишдаги розилиги билан ишга қабул қилиниши мумкин.

1996 йилнинг 1 апрелидан бошлаб амалга киритилган Меҳнат Кодексига 15 ёшга тўлмаган мактаб ўқувчиларининг меҳнатлари тўғрисида қўшимчалар киритилган. Бу қўшимча вояга етмаганларни меҳнатга тайёрлаш, уларда касбга тайёргарлик кўникмаларини пайдо қилишга кенг имкониятлар яратди. Шу сабабли уларни касб танлашга йўналтириш мақсадида умумтаълим мактаблари, ҳунар-техника билим юртларида турли касб ўргатиб борилади. Шунга мувофиқ меҳнат қонунчилигида 14 ёшга тўлган ўқувчиларнинг ҳамда ота ёки онасининг ёзма розилиги билан ўқишдан бўш вақтида меҳнатга жалб қилиш мумкинлиги кўрсатиб ўтилган. Бунда иш унинг ўқишига халақит бермаслиги, соғлигига тўғри келишлиги ва Қонунда белгиланган енгил вазифа бўлиши зарур. Иш берувчи ўқувчининг қайси вақтда ўқишда бўлишлиги тўғрисидаги маълумотга эга бўлиши керак.

Ўн саккиз ёшга тўлмаганлар меҳнат шартномасини тузиш олдидан паспорт ёки унинг ўрнини босадиган бошқа ҳужжатни ўн олти ёшгача бўлган шахслар эса, туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома (чунки паспорт ўн олти ёшга тўлган шахсларга ички ишлар бўлими томонидан берилади) ва турар жойидан ҳақиқатда шу манзилгоҳда истиқомат қилиши тўғрисидаги маълумотномани ходимлар билан ишловчи бўлимга тақдим қилиши шарт. Кўрсатиб ўтилган ҳужжатлардан ташқари, ишга кираётганлар меҳнат дафтарчасини (агар биринчи маротаба ишга кираётган бўлса, ундан меҳнат дафтарчаси талаб қилинмайди), ҳарбий хизматга мажбурлар ҳарбий ҳисобда турганлик ҳақидаги гувоҳномани тақдим этади.

Меҳнат Кодексининг 203-моддасига асосан ўн саккиз ёшга тўлмаган шахс билан бевосита пул ёки товар қимматликлари билан муомала қиладиган ишга қабул қилиниши ва меҳнат шартномасига қўшимча тарзда тўлиқ моддий жавобгарлик ҳақида махсус ёзма шартнома тузилиши мумкин эмас. Агар у тузилган бўлса, Меҳнат Кодексининг 5-моддаси асосида бу шартнома ҳақиқий ҳисобланмайди.

Меҳнат қонунчилигида ўн саккиз ёшга тўлмаганлар меҳнат шартномаси тузилишидан олдин тиббий кўрикдан ўтказилиши ҳамда уларнинг меҳнатидан соғлиги, хавфсизлиги, аҳлоқ-одобига зиён етказиши мумкин бўлган меҳнат шароити ноқулай ва оғир ишларда фойдаланиш мумкин эмаслиги кўрсатиб ўтилган.

Меҳнат Кодексининг 214 ва 239-моддаларига мувофиқ ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар ишга қабул қилинишидан олдин ва меҳнат фаолияти давомида ҳар йили ўн саккиз ёшга тўлгунга қадар тиббий кўрикдан ўтиб туриши шарт. Тиббий кўрикдан ўтиш учун муассаса томонидан йўлланма берилади ва унда ходимнинг бажарадиган иши тўғрисида маълумот, лавозими кўрсатилиши шарт. Йўлланмага мувофиқ шифокор уни шу ишига лойиқ ёки нолойиқлиги тўғрисидаги тиббий хулоса ёзиб бериши, иш берувчи эса тиббий хулоса асосида ўн саккиз ёшга тўлмаган шахснинг меҳнатидан фойдаланиши зарур.

Эслатиб ўтиш керакки, йўлланма асосида тиббий кўрикдан ўтишда ходимдан ҳеч қандай ҳақ олинмайди. Агар тиббий кўрик ўтказувчи муассаса хусусий бўлса ёки қонун асосида пуллик хизмат кўрсатадиган бўлса, тиббий кўрик билан боғлиқ бўлган барча харажатлар йўлланма берган муассаса томонидан қопланади.

Ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларнинг қонунларда белгилаб қўйилган меъёрлардан ортиқ оғир юк кўтаришлари ва ташишларига йўл қўйилмайди. Бу ишларнинг рўйхати 1996 йил 19 мартда Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва 1996 йил 2 апрелда Меҳнат вазирлиги томонидан тасдиқланган бўлиб, 1996 йил 28 майда Адлия вазирлиги томонидан рўйхатдан ўтказилган.

Ўн саккиз ёшга тўлмаган ходимлар учун амалдаги қонунга асосан тўлиқ иш ҳақи сақланган ҳолда қисқартирилган иш вақти жорий қилиниши кўрсатиб ўтилган.

Меҳнат Кодексининг 115-моддасига биноан ходим учун иш вақтининг нормал муддати ҳафтасига қирқ соатдан ортиқ бўлмаслиги керак. Лекин ушбу кодекснинг 242-моддаси асосида 16 ёшгача бўлганлар учун ҳафтасига 24 соатдан, 16 дан 18 ёшгача —36 соатдан ошмаган иш вақти белгиланиши зарур.

Ўқишдан бўш вақтларида ишлаётган ўқувчиларнинг ўқув йили давомидаги иш вақти муддати тегишли ёшдаги ходимлар учун назарда тутилган иш вақти энг кўп муддатининг ярмидан ошиб кетмаслиги керак.

Ўн саккиз ёшга тўлмаган ходимлар қисқартирилган иш вақтида ишласаларда, уларга тўлиқ иш куни ҳисобида ҳақ тўланади. Лекин ўқувчи ёшларга ишлаган вақтига мутаносиб равишда ёки бажарган ишига қараб иш ҳақи берилади.

Меҳнат Кодексининг 245-моддасида кўрсатиб ўтилганидек, 18 ёшга тўлмаган ходимлар тунги, иш вақтидан ташқари ҳамда дам олиш ва байрам кунларидаги ишларга умуман жалб қилинмайди.

Қонунчиликда вояга етмаган ходимлар учун меҳнат таътили ўттиз календар кундан иборат қилиб белгиланган ва меҳнат таътили улар истаган вақтда берилиши зарур. Жамоа шартномасида, муассасанинг имкониятидан келиб чиққан ҳолда, уларга узайтирилган меҳнат таътили белгиланиши ҳам мумкин.

Мабодо ўн саккиз ёшга тўлмаган ходимлар билан тузилган меҳнат шартномаси иш берувчининг ташаббуси билан (Меҳнат Кодексининг 100-моддаси II қисмининг 1-4-бандлари) бекор қилинадиган бўлса, меҳнат шартномасини бекор қилишнинг умумий тартибига риоя қилишдан ташқари, маҳаллий меҳнат органининг розилиги олиниши шарт.

Муассасаларда ишлаётган ўн саккиз ёшга тўлмаган ёшлар камдан кам учрасада, лекин улар бор ва уларнинг меҳнатидан фойдаланиш тўғрисидаги қонун мавжуд. Шундай экан, ҳар бир вояга етмаган ходим иш берувчининг ҳамда касаба уюшма фаолларининг назоратида бўлмоғи зарур.

БИЗДАН СЎРАГАН ЭДИНГИЗ

ИККИ ЁШГАЧА БОЛА ПАРВАРИШЛАШГА БЕРИЛАДИГАН НАФАҚА ХУСУСИДА

Саволларингизга Ўзбекистон Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси юридик бўлими мудири Орифжон ҒАЙНАЗАРОВ жавоб беради

САВОЛ: хўжаликлар боғларни ижарага сотмоқда. Уни сотиб олган шахс боғнинг ижара ҳақини тўлайди. Лекин қаерда ишлагани, ойлик маоши, меҳнат стажи ҳақида ҳеч қандай маълумот йўқ. Пенсияга чиққанида нима қилади?

ЖАВОБ: ҳар бир фуқаро деҳқон хўжалиги билан шуғулланган вақти учун ҳамда олинган даромад билан боғлиқ бўлган бир қатор ҳуқуқларга эга бўлиши мумкин. Бунинг учун фуқаро маълум талабларни бажариши лозим бўлади. Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 9 июл 289-сонли қарори билан тасдиқланган Низомга асосан у суғурта бадалини тўлаган бўлиши шарт. Деҳқон хўжалиги билан шуғулланувчи шахс ушбу Низомга биноан пенсия жамғармасига суғурта бадалини тўлаб турган тақдирда улар:

— деҳқон хўжалиги билан шуғулланган вақтини меҳнат стажи ҳисобига киритиш;

— деҳқон хўжалиги фаолиятидан олинган даромадини пенсия миқдорини аниқлашда ҳисобга олиш;

— давлат ижтимоий суғуртаси бўйича вақтинча меҳнатга қобилиятини йўқотганлик учун, ҳомиладорлик ва туғиш учун ҳамда дафн маросими учун нафақалар олиш ҳуқуқларига эга бўлади. Шуни ҳам айтиш жоизки, бундай нафақалар фуқаро томонидан суғурта бадалини тўлаш даврида пайдо бўлса берилади.

Фуқаро суғурта бадалини тўловчи шахс сифатида рўйхатдан ўтиш учун деҳқон хўжалиги жойлашган ҳудуддаги пенсия жамғармасига ариза билан бирга паспортини ҳамда илгари ишлаган бўлса, меҳнат дафтарчасини тақдим этади. Суғурта миқдори рўйхатга олиш вақтида белгиланади. Бунда фуқаронинг хоҳиши ҳамда имконияти эътиборга олиниши лозим.

САВОЛ: онага бола икки ёшга тўлгунга қадар бола парвариши учун бериладиган нафақа пулини олиш мақсадида мурожаат қилсам, даромадим ҳақида маълумот кўрсатишни сўраши. Шунда хўжаликка боғ учун тўланган маблағ маълумот учун олинди ҳамда 0,50 га 580 сўмдан даромад миқдори ҳисобланди. Ҳисобланган даромаднинг миқдори белгиланган меъёрдан ортиб кетиб нафақа тайинланмайдиган бўлди. Шу тўғрими? Нафақа бериш тартиби ҳақида тушунча берсангиз?

ЖАВОБ: хатингизда келтирган маълумотларга кўра, Сиз ҳозирги кунда ҳеч жойда ишламайсиз. Шу сабабли Сизга нафақа тайинлаш Адлия вазирлиги томонидан 2002 йил 14 мартда 1112 рақам билан рўйхатга олинган Низомга мувофиқ амалга оширилади. Болани парвариш қилиш бўйича нафақа ушбу қоидага асосан нафақа олувчи шахс доимий рўйхатдан ўтган ҳудуддаги маҳалла фуқаролар йиғини томонидан тайинланади. Бунинг учун маҳалла фуқаролар йиғинига ариза билан бирга қуйидаги ҳужжатлар топширилади:

— бола туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси;

— меҳнат дафтарчасининг нусхаси (илгари ишлаганлар учун);

— оила аъзоларининг ариза берилгунга қадар ўтган ўн икки ой давомидаги даромадлари тўғрисидаги маълумотнома. Зарур ҳолларда эса булардан ташқари яна:

— боланинг ногиронлиги тўғрисида ТМК (тиббий-маслаҳат комиссияси)нинг маълумотномаси;

— никоҳ бекор қилинганлиги тўғрисида гувоҳноманинг нусхаси ёки суднинг тегишли қарорларидан кўчирма;

— боланинг онаси ўрнига унинг ўрнини босувчи бошқа шахс нафақа олиши учун эса, боланинг онаси ўлими тўғрисидаги гувоҳнома, аёлнинг оналик ҳуқуқидан маҳрум этилганлиги ҳақидаги суд томонидан берилган маълумотнома ёки боланинг онаси болани парвариш қилиш бўйича нафақани олмаётганлигини тасдиқловчи ҳужжат топширилади.

Даромадлар ҳақида тақдим этилган ҳужжатлар асосида оиланинг ҳар бир аъзосига тўғри келадиган умумий даромад аниқланади. Бунинг учун ариза берилгандан олдинги 12 ой давомидаги барча даромадлар қўшилади. Олинган натижа оила аъзоларининг сонига сўнг 12 га бўлинади. оиланинг жон бошига тўғри келадиган даромаднинг миқдори энг кам иш ҳақининг 1,5 баробари (4535 х 1,5 = 6807,50)дан кам бўлган тақдирдагина оила ушбу нафақага муҳтож деб ҳисобланади ва фуқарога нафақа тайинланади.

Мазкур Низомга мувофиқ нафақа оиланинг даромадини ҳисобга олмасдан ҳеч қандай шартларсиз қуйидаги фуқароларга тайинланади:

— болани тўлиқ бўлмаган оилада тарбиялаётган онага ва отага . Бунда болани она(ота) томонидан тўлиқ бўлмаган оилада тарбияланаётганлик ҳолати аниқ шароитларни ҳисобга олган ҳолда фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органи томонидан белгиланади;

— ногирон болани тарбиялаётган оналарга (ёки унинг ўрнини босувчи шахсларга). Бунда оилада тарбияланаётган боланинг қайси бири ногирон эканлигининг аҳамияти йўқ.

Нафақа бола туғилган кундан кейинги ойдан, ариза берилган вақтдан бошлаб тайинланади ва бола 2 ёшга тўлгунга қадар ҳар ойда бериб борилади. Нафақанинг миқдори Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 25 январ кунги Қарорига асосан 2002 йилнинг 1 февралидан энг кам иш ҳақининг 170 фоизи миқдорида, 2003 йилнинг 1 январидан эса энг кам иш ҳақининг 200 фоизи миқдорида берилади.

Боғ учун тўланган ижара миқдори сарфланган харажат ҳисобланиб, боғдан ҳисобланган даромадга қўшилмайди. Деҳқон хўжалиги билан шуғулланувчиларнинг даромади ҳар 10 сотих ерга энг кам иш ҳақининг ўртача миқдорининг икки баравари миқдорида белгиланади.



ЮРТИМИЗ ПАХТАКОРЛАРИ, ДЕҲҚОНЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Акциядорлик тижорат «Пахта Банк» 2002 йил 20 сентябрдан 1 ноябргача бўлган давр мобайнида 7 ой муддатга очилиб, йиллик 45 фоиз даромад тўланадиган «Ҳосил» жамғарма омонатини таклиф этади.

Ушбу омонатга маблағингизни «Пахта Банк»нинг исталган бўлимига қўйишингиз ва ҳар ойда фоизли даромадингизни олиб боришингиз мумкин.

Хирмонингиз баракали бўлсин, азиз юртдошлар!

Тўлиқ маълумот учун телефонлар: 173-25-56, 78-10-32.

«Пахта Банк» фаровонлигингиз калитидир!

САЙЁРАМИЗ САДОСИ

МОЛИЯЧИЛАР АНЖУМАНИ

Бирон бир давлат молия соҳасида катта маблағларсиз юксак ривожланишга эриша олмайди. Бундай даражага етиш учун халқаро нуфузли молиявий ташкилотлар билан дунёдаги мамлакатларнинг муносабатлари ўзгача ўрин тутади. Шу маънода АҚШ пойтахти Вашингтонда очилган Халқаро Валюта Фонди ҳамда Халқаро Банкнинг кузги сессияси оммавий ахборот воситалари эътиборини алоҳида жалб қилди.

Лекин мазкур йиғин очилишидан кейин бошланган ғалаёнлар маҳаллий полициячиларнинг жиғига тегди. Глобалчилар деб аталмиш жаҳон иқтисодиётининг бир ерга жамланиши ва йириклашувига қарши шахсларнинг тўс-тўполонлари анжуманнинг руҳини бир оз пасайтирди. Натижада 500 нафар киши ҳибсга олинди.

ИККИНЧИ БОСҚИЧ БОШЛАНДИ

Бир неча кун муқаддам Югославиянинг собиқ президенти Слободан Милошевич устидан олиб борилган Гаага шаҳридаги ҳарбий требунал суди жараёнининг биринчи босқичи тамом бўлганлиги ҳақида хабар берган эдик. Куни кеча эса мазкур суднинг иккинчи босқичи бошланди. С.Милошевич аввал ҳам ўзига қўйилган барча айбларни қатъиян рад этган эди. Ҳозир ҳам у ўзининг ана шу позициясидан тойгани йўқ.

ЛОНДОНДА КАТТА НАМОЙИШ

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига рақобатнинг ошиши, бундай неъматлар нархининг пасайиши, фунт стерлинг қийматининг кўтарилиши, қолаверса, жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви Англия деҳқонларининг сабр косасини тўлдирди. Шу боис яқинда Лондонда катта норозилик намойиши бўлиб ўтди. 2000 та автобусда, 31 та махсус поездда келган намойишчилар пойтахт марказини батамом тўлдириб юбордилар. Унда «Яшаш учун эркинлик ва маблағлар!» деган шиорларни кўтариб олган 400 минг одам иштирок этган, деб ҳисобланмоқда. Шуниси ажабланарлики, намойишда Янги Зеландия, Австралия, Канада, АҚШ ва Оврупонинг бошқа мамлакатларидан келган фермерлар тарафдорлари ҳам қатнашганлар.

ҚОЧОҚЛАР МУАММОСИ

Жаҳоннинг турли минтақаларида қочоқларнинг қўналғагоҳларини кўриш ҳеч кимни таажжубга солмайди. Ана шундай манзиллардан бири Франция билан Буюк Британия оралиғидаги Ла-Манш кўрфази остонасида жойлашган маскандир. Куни кеча Франция билан Англия бош вазирлари учрашиб, қочоқлар ҳаётида юз бераётган муаммолар хусусида музокаралар олиб бордилар. Зотан бу ердаги африкалик ва курдлардан иборат қочоқлар тақдирига доир кўпгина чигалликлар тилга олинди. Учрашув давомида ривожланган мамлакатлар биргалашиб қонунлар қабул қилса мақсадга мувофиқ бўлур эди, деган хулосага келинди.

АЛАНГАЛАНАДИГАН МЕВА ШАРБАТИ

АҚШ олими Энди Сименс экспедицияси Филиппиннинг ўтиб бўлмас чангалзорларида ғалати мевали дарахт топдилар. Мазкур дарахт мевасига гугурт теккизилиши билан у ёна бошлайди. Меванинг ўзи ерга узилиб тушса, у дарҳол алангаланади. Кимёвий текширувлар ўтказилганда ушбу дарахт меваси шарбати хоссаси жиҳатидан бензинга тенг эканлиги аниқланди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари мукофоти лауреатлари

Ахмад Яссавий маҳалласидаги мўъжазгина ҳовли. Ўртадаги супада ой ёғдусига чўмилиб, бешикка бағрини бериб она алла айтади.

Алла болам аллаё, қўзичоғим алла...

Ҳаётимнинг давоми, кўзим қароғи алла...

Ипакдек майин оҳанг оғушида гўдак бир зумда мудроққа кетади. Боядан бери булутларни ёриб сузаётган ой ҳам алла сеҳрига маҳлиё бўлиб қолгандек, тераклар учидан мўралайди... Жажжигина Баҳринисо эса онасига таклид қилиб, қўғирчоғига алла айтади.

Уй бекалари, сизлар учун
САБЗАВОТЛИ САЛАТ

Салат учун: 1 та ўрта катталикдаги картошка, 100 гр. гўшт, 2 та тухум, 1 та кичикроқ қизил лавлаги, 1 та ўртача бодринг, 1 та қизил сабзи, туз ва 100 гр. қаймоқ керак бўлади.

Картошкани майда сомонча шаклида тўғраб, ёғда қизаргунча қовурасиз. Гўшт ҳамда тухумни алоҳида идишда пишириб оласиз ва уларни ҳам майда сомонча шаклида, лавлаги билан қизил сабзи пиширилмаган ҳолда, бодрингни ҳам худди юқоридагилар каби тўғрайсиз.

Тайёрлаб қўйган лаганчага тўғралган сабзавотларингизни айлана шаклида алоҳида-алоҳида қилиб соласиз. Ўртасига эса гўшт солиб, унинг устига қаймоқни (гўштнинг устидан) қуясиз.

ҚОРАСУВ БУЛБУЛИ

Маҳалладошларининг айтишича, Қорасув шаҳридаги бирорта тўй-ҳашам Муножотхоннинг қўшиқларисиз ўтмаган. Қуш уясида кўрганини қилади, деганларидек, қизи Баҳринисо ҳам ёшлигидан мусиқа шайдоси бўлиб улғайди. Айниқса, тоғалари Ўзбекистон халқ артисти Нуриддин Ҳамроқулов ва Муҳаммаджон Халиловлар қизғин суҳбатга киришиб, мумтоз халқ қўшиқларидан сўз олганда Баҳринисо дадажониси Икромжон аканинг ёнига ўтириб жон қулоғи билан тингларди.

Баҳринисонинг дастлабки имтиҳони оила даврасидан бошланди. Тоғаларига жиянларининг қўнғироқдек овози маъқул тушди. Улар Баҳринисога товушни қаерда кўтариш, қачон пасайтириш, мусиқага жўр бўлиш сирларини ўргатди.

Хонанда сифатида Баҳринисо илк марта 1998 йили «Андижонни гуллар вилоятига айлантирайлик» кўрик-танловида элга танилди. Бошловчи Баҳринисо Ҳамроқулованинг номини эълон қилиши билан саҳнада жарангдор овоз янграй бошлаб, томошабинларнинг ғала-ғовури ҳам бир зумда тинди. Атроф сув қуйгандек жим-жит, фақат шалоладек тошқин нидо қалблардан қалбларга қуюлади... Баҳринисо саҳнани тарк этиши билан олқишу қарсаклар оғушида қолди.

Қорасув булбули эндигина 17 баҳорни қаршиламоқда. Унинг репертуаридан жой олган миллий мақом йўналишидаги халқ қўшиқлари пойтахтимизнинг «Темирйўлчилар» маданият саройида ҳам санъат ихлосмандларини мамнун этди. Баҳринисо ёш бўлишига қарамасдан, «Ўзбекистон касаба уюшмалари мукофоти лауреати» деган шарафли номни қўлга киритди.

Баҳринисо халқ наволарининг ихлосманди. Унинг қалбидан оқаётган «Сараҳбори дугоҳ», «Фарғона тонг отгунча», «Излайман» каби ашулалар барчага маъқул тушмоқда.

Хонандани вояга етказган Қорасув шаҳри санъаткорлар бешиги десак муболаға бўлмайди. Соз ва овозлари билан бутун республикага танилган Юсуфқори Солиев, Назиржон Акбаровлар ана шу замин фарзандларидир.

Чаманзорлар, боғ-роғлар булбуллар ошиёни. Мустақиллик шарофати билан яна-да чирой очаётган Андижон-гўзал бўстон бугун яна бир булбул хониши ила гулгунлашмоқда.

Р.СОБИРОВ.



Тадбир

ЭҲТИРОМ КЎРСАТИЛДИ

Жаҳонни ўзининг тарихи, меъморий обидалари билан ҳайратга солган, қўйингки, не-не жаҳонгирлар, олиму фузалолар, азиз авлиёлар ўтган юрт — Самарқанд ҳақида қанча сўзласак ҳам оз.

Бу қутлуғ, қадимий ва навқирон заминни зиёрат қилиш мақсадида ҳамда Қарияларни қадрлаш йили муносабати билан Агросаноат мажмуи ходимлари Тошкент вилояти касаба уюшмаси қўмитаси томонидан тармоқ соҳасида меҳнат қилаётган қарияларга, нафақага чиққан меҳнат фахрийлари ва касаба уюшмаларида фаол ишлаётган жами 70 нафар кишига бир кунлик саёҳат уюштирилди.

Саёҳат Имом-ал-Бухорий мажмуасини зиёрат қилишдан бошланди. Орадан 1227 йил ўтгандан сўнг, мустақиллик йилларида қуриб битказилган бу мажмуа меъморий жиҳатдан мукаммал, кўркам, айниқса айвон шифтларига ёғочдан берилган ишлов худди китоблар тахланган жавонни эслатиши билан киши эътиборини ўзига тортади. Ҳазрат тўплаган 600 мингдан зиёд ҳадислар тўғрисида зиёратчилар қизиқарли маълумотларга эга бўлдилар.

Сўнг «Гўри-Амир» мақбараси, «Регистон» ҳамда «Шоҳи-зинда» мажмуаларига саёҳат давом эттирилди.

Саёҳат якунида зиёратчилар «Сиёб» бозоридан донғи оламга кетган, барчага манзур Самарқанд нонларидан харид қилиб, зиёратлари қабул бўлишини Яратгандан сўраб, яхши ниятлар билан пойтахтга қайтдилар.

Дилфуза САЪДУЛЛАЕВА,
Агросаноат мажмуи ходимлари Тошкент вилояти касаба уюшмаси қўмитаси мутахассиси.

Бу — қизиқ!
КУТИЛМАГАН БАХТ

Бир одам ишлашни ёқтирмас, қийинчиликсиз тез бойиб кетгиси келар, кутилмаган бахтга ишонар экан. Кунлардан бир кун у бир денгизчидан «Узоқ бир оролдаги одамлар бизга ўхшаб икки кўзли эмас, уларнинг фақат битта кўзи бор» деган гапни эшитиб қолибди. «Ҳа, бу кутилмаган бахт! Мен ўша оролга боришим ва бир кўзли одамдан бирини олиб келиб уни одамларга кўрсатишим ва шу йўл билан тез бойиб кетишим мумкин» деб ўйлабди.

Кунлардан бир кун у кема ёллабди ва ўша узоқ орол сафарига жўнабди. Машаққатли кунлар ортда қолиб, бир кун нотаниш оролда юзининг ўртасида бир кўзи бор одамларни кўриб қолибди. Аммо биркўзлилар ҳам анойи эмас эканлар, улар ҳам бегона одамни кўриб, «Ҳа, бу кутилмаган бахт» деб хурсанд бўлишибди. Биз икки кўзликни тутишимиз ва бу ердаги одамларга кўрсатиб тез бойиб кетишимиз мумкин, деб ўйлашибди ҳамда уни тутиб, ўзлари билан олиб кетишибди.

Немисчадан Шуҳратхон ИМЯМИНОВА таржимаси.

Шоҳмот оламида

ОТ ЙИЛИДА БЕШТА ОТ
кишнаб туришин кўринг

Ҳурматли шоҳмот мухлислари, қуйида сизлар билан биргаликда дунёга машҳур А.Королькованинг ажойиб этюдини ечамиз.

Биринчи диаграммага диққат билан назар ташланг. Қораларда бир сипоҳ ортиқ. Бунинг устига с 2 даги пиёдаси фарзинга чиқай деб турибди. Аммо ҳал қилувчи ҳужумни олдинроқ бошлаган оқлар тезкорлик билан ғалабага эришади. Бунинг учун оқлардан вақтдан унумли фойдаланиш, тез ва мантиқли юриш талаб этилади. Бу классик этюд биринчи бор 1937 йили Москва матбуотларида босилиб чиққан. Дарвоқе, тахтада шоҳмот доналарини териб шай қилиб қўйгандирсиз?

Шундай қилиб, биринчи юришни бошлаймиз. От f + 4 га сакраб қора шоҳга кишт беради (оқлар шиддатли ҳужумга ўтди), чунки фурсатни бой бериб бўлмайди. Шоҳга жавоб бериш керак. Қора шоҳ «ўйланиб» қолди. h 4 га ўтса, оқларнинг d 7 даги пиёдаси саккизинчи хонага чиқиб фарзинга айланади. Бунинг устига шоҳга кишт бериб чиқади. Шу боисдан қора шоҳ h 6 хонасига ўтади. Чунки оқлар d 7 даги пиёдасини 8-хонага чиқариб фарзин қилса, вазиятни бой беради. Қоралар дарров фурсатдан фойдаланиб с 2 даги пиёдасини фарзин эмас, от деб кишт бериб чиқади ва икки юришда оқларни мот қилиб ғалабага эришади. Буни тушуниб етган оқлар тескарисини қилишади. Аммо қоралар бу тузоққа олдинроқ тушадилар. Яъни, оқлар g 7 даги пиёдасини фарзин эмас, 8-хонага от деб чиқади ва қора шоҳга кишт беради.



1-диаграмма: юриш оқлардан.



2-диаграмма: оқларда 5 та от ва қоралар мағлуб.

Энди оқларда 3 та от пайдо бўлди. Қора шоҳ h 7 хонасига юриш қилади. Ташаббусни қўлдан чиқармаслик учун оқлар g 8 даги от билан f 6 хонасидан шоҳга кишт беради. Агар қора шоҳ шу топда h 8 хонасига ўтиб олса, f 4 да от қораларнинг g 6 даги филини уриб мот қилиб қўяди. Шунинг учун қора шоҳ яна h 6 хонасига қайтади. f 6 даги от g 4 қора пиёдани уриб кишт беради. Қора шоҳ яна h 7 хонасига ўтади. От е 8 дан f 6 га юриш қилиб яна шоҳга кишт беради. Вазият қизиб бормоқда. Қора шоҳ мажбуран f 7 хонасига ўтади. d 7 даги пиёда d 8 хонасига от кишт бериб чиқади ва тахтада 4 от пайдо бўлади.

Қора шоҳ е 7 хонасига ўтади ва оқлар с 7 даги пиёдасини 8-хонага бешинчи отини чиқариб, кишт деб қора шоҳни мот қилди.

Саккиз юришда оқлар ғалаба қозонди. Во ажабо, ақл бовар қилмайди. 5 та отнинг кишнаб туришини қаранг-а! Шоҳмотнинг сирли мўъжизаси мана шунда эмасми?

Анвар ИНОҚОВ, шоҳмот бўйича спорт усталигига номзод.

ДУНЁДА ҚАНЧА ОЛТИН ОЛИНАДИ?

Биласизми?

Христофор Колумбдек сайёҳни уммон ортига сузиб ўтишга мажбур қилган оҳанрабо, бу олтин эди. Ҳозирги даврда ҳам унинг қадри бениҳоя баланд. Хўш, бу бойликнинг жаҳондаги ўрни, Ўзбекистон учун аҳамияти қандай?

1995 йил маълумотларига кўра, йилига 2268 тонна олтин қазиб олинган, бу миқдор тобора ортиб бормоқда: 1997 й.—2464 т., 1998 й. — 2636 т., 1999 й. — 2540 т., 2000 й. — 2573 т., 2001 й. — 2595 тонна. Агар темир йўл вагонига 60 тоннадан ортилса, бу 38-44 вагон демакдир.

Олтин қазиб олувчи мамлакатлар анчагина, уларнинг орасида республикамиз етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Шуни таъкидлаш керакки, қазиб олинган олтин миқдори ўзгариб туради. Масалан, бу соҳада биринчи ўрин эгаси Жанубий Африка Республикасида 1995 йил 525 тонна олтин олинган бўлса, 2001 йилда кескин пасайиш юз бериб, у 394 тоннани ташкил қилган. Иккинчи ўринда АҚШ (335 т.), 3-ўринда Австралия (281 т.), 4-ўринда Индонезия (175 т.), бу давлат охирги беш йил ичида олтин ишлаб чиқариш миқдорини 2 мартадан (86,9 т.) ортиқ ўстирди. 5-ўринда Хитой Халқ Республикаси (165 т.), 6-ўринда Канада (159 т.), 7- ўринда Россия Федерацияси (154,5 т.).

Ўзбекистон бу рўйхатда фахрий 8-ўринда бўлиб, 2001 йил 86 тонна олтин қазиб олишга эришди (жон бошига 5-ўрин). Кейинги ўринларда Бразилия, Папуа-Янги Гвинея, Гана, Перу давлатлари туради.

Марказий Осиё республикалари, хусусан, Ўзбекистон бу соҳага алоҳида эътибор бериб келмоқда, чунки олтин ташқи ва ички алоқаларда муҳим ўринни эгаллайди. Ўзбекистон экспортининг тўртдан бири унга тўғри келади.

Жаҳон бозорида олтин одатда махсус ягона ёмби (одатда 12 кг) шаклида қолипланади ва учлик унция билан ҳисобланади. Учлик унция миқдори 31,1035 грамм бўлиб, ҳар куннинг қоқ ўртасида Лондондаги биржада унинг баҳоси эълон қилинади. (Ротшильд банки).

Ўзбекистон Республикасининг олтини сифат жиҳатидан жаҳонда етакчи ўринни эгаллайди, энг юқори проба (сифат) тўртта 9 (9999) билан ифодаланади. Олтиннинг учлик унция нархи талаб ва таклиф асосида ўзгариб туради (400-315 доллар) Бир грамм олтин 1996 й. 12,47 АҚШ долларга баҳоланган бўлса, кейинги пайтларда бир мунча пасайиб бориш тенденцияси кузатилмоқда: 1997 й.— 10,65, 1998 й. — 9,46, 1999 й. — 8,97, 2000 й. — 8,71 доллар. Шуни айтиб ўтиш керакки, 2002 й. олтин нархи сезиларли ошди.

Абдухалил РАЗЗОҚОВ, ТДИУ профессори.



ЧАЙНКРОССВОРД

1.Россиядаги дарё. 2.Ҳўл мева. 3.Саратон(касаллик). 4. Инсон аъзоси. 5. Зиравор. 6.Теннис ўйини майдончаси. 7. Футбол ўйини қисми. 8.Зиравор. 9.Ип йигириш асбоби. 10.Миллат, элат. 11.Организмдаги суюқлик. 12.Арининг қуроли. 13.Бўйинга ўраладиган мато. 14.Ҳарбий-денгиз кемалар қўшилмаси. 15.Ўқ отиш жойи. 16.Шоҳмот донаси. 17.Уммон (номи). 18.Дардга даво модда. 19.Электр заряди бўлган атом. 20.Азиз неъмат. 21.Мусиқий ёзув. 22.Миллат. 23.Молия муассасаси. 24.Кўтарувчи қурилма. 25.Ўринбосар, ёрдамчи. 26.Шимол ҳайвони. 27.Кечирим. 28.Спиртли ичимлик. 29.Газлама. 30.Одам аъзоси. 31.Қарға. 32.Парранда. 33.Тиббиёт асбоби. 34. Машина қисми. 35. Сув жонивори. 36.Ором, сокинлик. 38. ...нишон, дарак. 38.Маълум бир нарсани амалга ошириш тарзи. 39.Қимматбаҳо тош. 40.Автомобил русуми. 41.Дарахт. 42.Голландия футбол командаси. 43.Тозаланган тариқ. 44.Ранг. 45.Фаранг физик ва кимёгар олими. 46.Афсонавий кичик сайёра. 47.Испания терма жамоаси қироли (футбол). 48.Кўчманчи халқ. 49.Асорат, нишона. 50.Африкадаги давлат. 51.Италиядаги шаҳар. 52.Қушларнинг урғочиси. 53.Мусиқадаги энг юқори парда. 54.Қариндош. 55. ... карашма, ишва. 56.Анъана, одат. 57.Мушак тўқима. 58.Этик мойи. 59.Қўрқмас, ботир. 60.Паррандалар озуқаси. 61.Хил, тур. 62.Қон томири. 63.Ер шари ёки унинг бир қисми. 64.Келишган, барно.

Тузувчи: Файзулла АБДУЛЛАЕВ.

Ўзбекистон давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси жамоаси Самарқанд вилоят тармоқ касаба уюшма қўмитаси ташкилий ишлар бўлимининг мудири Ғолибжон Рустамовга онаси **Муҳаббат ОМОНОВА**нинг бевақт вафот этганлиги муносабати билан таъзия изҳор этади.

ISHONCH
МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78; Хатлар, реклама ва эълонлар бўлимлари 56-85-43.

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширди - 21.10

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Тиражи: 9730 Буюртма Г— 919. 1 2 3 4 5 6